

«Агар ўша кизга уйлансанг сени оқ қиламиз»

21:29 / 25.04.2016 4046

САВОЛ: Бир дўстим бир қизга уйланмоқчи, бироқ ота-онаси бунга қарши. «Агар ўша қизга уйлансанг сени оқ қиламиз» дейишмоқда. Айтингчи, оила қуриш учун ота-онанинг розилиги муҳим шартми?

ЖАВОБ: Бу савол ҳам кўп сўраладиган саволлардан, кўпчилик мана шу масалада эҳтиёт бўлиши лозимлигини яхши билади, шунинг учун қайта-қайта сўралади. Фикҳий мазхабларимиздан, аҳли сунна вал жамоанинг тўрт мазхабидан учтасида Ҳанбалий, Моликий, Шофийий мазхабида бир қизнинг турмушга чиқиши ёки йигитнинг уйланиши учун валийси, агар отаси бўлса отаси валий бўлади, шу валийсини рози бўлишлиги шарт. Буларнинг розилигисиз никоҳ никоҳ бўлмайди. Лекин бизнинг Ҳанафий мазхабимизда вояга етган йигит-қизларни турмуш ўртоғини танлашда ўз эрклари бор. Кимки, масалан қизлар ўзи рози бўлиб, чунки балоғатга етган, эс хуши жойида, бир турмуш ўртоғини танлаб никоҳдан ўтса, никоҳи никоҳ бўлаверади. Бу ерда отанинг онанинг розилиги лозим бўлган шартлардан эмас. Лекин урф-одатда ота-онага ишонилади, ота-она ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмаслиги эътиборга олинади ва барча ёш йигит-қизларни ота-онасини маслаҳати билан ва розилиги билан турмуш қуришга чоғланади. Бу насиҳат маъносидаги кўрсатма ҳисобланади, лекин шаръий маънодаги ҳукм эмас. Шаръий ҳукм Ҳанафий мазхаби балоғатга етган йигит-қизнинг ўзини ихтиёри ила турмуш қуришга ҳаққи бор. Мана шу ҳолатни яхши ўрганиш керак, агар икки тараф ҳам розилиги жамланса яхши бўлади. Ҳозирги савол берилаётган ҳолатда ота-она ажраб кетган, ота бошқа ерда-ю, фарзандлар она билан туради, ана энди қизни турмуш қуришига етиб келди иш, розилик топилди куёв ҳам тайёр, лекин ота норози бўлиб турибди, бу ерда ҳам ўша гап. Агар қиз хоҳласа “отам норози бўлса ҳам тегаман” деса, шариат буйича ҳаққи бор тегиб кетаверади, лекин маслаҳат қилиб икки тараф ҳам рози бўлса яхши бўлади. Ота ҳам фарзандларини ноқулай ҳолатга туширмасдан қарасалар ундан ҳам яхши.